

ҚАРОР ВА ИЖРО

**Президентимизнинг шу йил 19 февралда қабул қилинган “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда мева-сабзавотчиликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.**

Ирода ТОШМАТОВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Охирги йилларда лимон етиштириш бўйича республикамизда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Бир вақтлар хориждан келтирилган мазкур цитрус мева маҳаллийлаштирилиши ҳисобига асосий истеъмол маҳсулотлардан бирига айланди. Аммо қарорда таъкидланганидек, соҳада ҳали етарли кўрсаткичга эришилмади. Хусусан, янги, серҳосил ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган лимон навларини яратишга етарли эътибор берилмади, сифатли ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатиш талаб даражасида йўлга қўйилмаганди, кооперация муносабатлари тўлиқ шаклланмади. Қарорда тажриба тариқасида академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳузурида “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси иштирокида давлат хусусий-шерикчилик асосида масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий марказини ташкил этиш белгиланди.



“  
Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги “Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан институтнинг янги тузилмаси тасдиқланиб, унинг таркибида янги — цитрусчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш бўлими ташкил этилди.

**ЛИМОНЧИЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИСТИҚБОЛИ**

— Қабул қилинган янги қарор бу соҳада бошланган ишларни янада ривожлантиришга кенг йўл очиб беради, — дейди институт директори, биология фанлари доктори, профессор Йўлдош Саимназаров. — Айни пайтда қарор асосида Марказ учун институт ҳудудидан 12 гектар ер ва зарур биноларни ажратиш бўйича ишлар амалга ошириляпти. Билдирилган ишонч зимамизга катта масъулиятни юклайди. Аввало, замонавий технологиялар ёрдамида цитрус ўсимликларнинг янги, экспортбоп, тупроқ ва иқлимга мос навларини яратиш, уларнинг агротехникасини ишлаб чиқишимиз зарур.

**БОҒДОРЧИЛИК МАКТАБИНИНГ ТАМАЛ ТОШИ**

1898 йили Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси номи билан ташкил топган академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик

ва виночилик илмий-тадқиқот институти мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, хусусан, боғдорчилик-узумчилик тармоғини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келмоқда.

Институтда бугунги кунда 50 га яқин илмий ходим — 1 нафар академик, 3 нафар фан доктори, 25 нафар фан номзоди фаолият олиб бормоқда. Институт таркибида 15 та илмий тажриба станцияси, 2 та виночилик унитар корхонаси, 1 та Республика боғбонлар мактаби мавжуд. Илмий тажриба станцияларида ҳудудларнинг тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб илмий тадқиқотлар олиб борилади. Масалан, Сурхондарё илмий тажриба станцияси энг жанубий ҳудудда жойлашгани боис, асосан субтропик, тропик ва цитрус ўсимликлар билан шуғулланишга ихтисослашган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги “Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини янада ривожланти-

риш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан институтнинг янги тузилмаси тасдиқланиб, унинг таркибида янги — цитрусчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш бўлими ташкил этилди.

**ЦИТРУС ЎСИМЛИКЛАР ЕТИШТИРИШДАГИ ТАЖРИБАЛАР**

Институтда цитрус ўсимликларини ўстириш ва синов ишлари 1949 йилдан бошланди. 1966 йили 30 сотих майдонда иссиқхона қурилиб, цитрус ўсимликлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари ўтказиш йўлга қўйилди, уларнинг коллекцияси яратилди. Бир вақтнинг ўзиде иссиқхона ёнидан хандақлар қазилиб, лимон кўчатлари экилди. Лимон,

апельсин, мандарин, грейпфрут ва пампельмус турларининг навлари интродукция қилиниб, селекция бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

2015 йилдан лимоннинг “Мейер”, апельсиннинг “Гамлин” ва мандариннинг “Климентин” навлари синовдан муваффақиятли ўтиб, Давлат Реестрига киритилди. Парваришlash технологиялари ишлаб чиқилиб, вилоятлардаги иссиқхоналарда ўстириш учун тавсия қилинди.

Кўп йиллик синов ва тажрибалар лимоннинг “Мейер” нави энг мақбул нав эканини кўрсатди. “Ўзбекистон ҳосилдори”, “Ўзбекистон тўнғичи” навлари ўртача ўсиш суръати ва ҳосилдорлигига кўра, унга яқин бўлиб, ҳатто меваларининг сифати бўйича устун туради. Шунингдек, институтда яратилган “Академик М.Мирзаев” номли лимон нави селекция йўли билан ча-

тиштиришдан олинган табиий дурагай ҳисобланади. 4-5 йилда ҳосилга кирадиган ушбу лимон мевасининг оғирлиги 110–150 граммга боради.

— Сўнги йилларда “Мейер” лимон навидан кўчат оляпмиз, — дейди Йўлдош Саимназаров. — Чунки, ҳосилдор бўлгани учун унга талаб катта. Бундан ташқари, яратилган навлардан олинган ҳосилни экспортбоп маҳсулот-

ривождаги асосий омиллардан бўлиб хизмат қиляпти.

— Биз лимон етиштириладиган иссиқхоналарда симбағаз (устунлар) ўрнатиб кўрдик, — дейди Йўлдош Саимназаров. — Унда ҳозир боғдорчилик ва узумчиликда зарурий эҳтиёжга айланган томчилатиб суғориш жорий қилинган. Чунки ариқдан суғоришда сув кўп сарфланади, тупроқ эрозияга учрайди ва ҳ.к. Ҳозир дунёдаги аксарият давлатлар деҳқончиликда фақат томчилатиб суғориш технологиясини қўллайди. Бу сувни тежаган ҳолда ўсимликларни зарурий озуқа моддалари билан таъминлайди. Бунда ҳосилдорлик бир неча баробарга ошиб, турли касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш қулайлашади. Ўсимлик меваси тоза сақланади. Шунингдек, институтимизда мандарин кўчати ин-витро усулида кўпайтириляпти. Бу жараёнда ўсимликнинг ўсув нуқтасидан меристематик тўқималари олиниб, сунъий озуқа муҳитига экилади. Ўсимлик сунъий муҳитда илдиз отиши ҳисобига, кам майдонда кўп миқдорда кўчат етиштириш имконияти вужудга келади.

**ИНСТИТУТ УЧУН ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА**

Шу вақтга қадар институт лабораториялари жиҳозларининг эскиргани янги навларни яратиш, умуман юқори савияда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда муаммоларни юзага келтираётган эди. Йўлдош Саимназаровнинг айтишича, 2020 йилда Жаҳон банки томонидан институтнинг лаборатория биналарини таъмирлаш ва уларни зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорига грант ажратилган. Келаси йили Жаҳон банкининг 14 миллион долларлик кредит тизими ҳам институтга йўналтирилиши белгиланган. Мазкур маблағлар ҳисобига энг илғор технологиялар асосида коллекция боғлари яратилиб, кўчатчиликни янада ривожлантириш, барча иссиқхоналар қайта, замонавий типда қурилиши режалаштирилган. Илғор технологиялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш учун институтнинг бир қанча ёш илмий ходимлари Жанубий Корея, Япония, Туркия давлатларига малака оширишга юборилди. Мазкур ишларнинг барчаси юртимизда қишлоқ хўжалиги, хусусан, мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш ва Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу йўналиш экспортдан тушадиган валюта ҳажмининг яқин йилларда беш миллиард АҚШ долларига етказишга хизмат қилади.